



Мовароуннахрга араблар Валид ибн Абдулмалик давридан олдин ҳам бир неча юришлар уюштирган. Бирок уларда бу ўлкани тўла бўйсундира олмаганлар. Фақат Термиз шаҳри VII асрнинг 90 йилларида Мусо ибн Абдуллох томонидан эгалланиб, 705 йилгача умавийлардан мустақил шаҳар-давлат сифатида идора қилинди. Шунинг учун Мусо ибн Абдуллох ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун бир томондан маҳаллий аҳолига, иккинчи томондан Хуросон амирларига қарши кураш олиб боришга мажбур бўлди. 705 йили Хуросон амири Муфаддал ибн Мухаллаб уни енгилсиз муваффақ бўлди ва шундан сўнг Термиз шаҳри халифалик таркибига қiritилди.

Термиз шаҳри эгалланганидан сўнг Хажжож ибн Юсуф Мухаллаб авлодларини Хуросон амирлигидан четлаштириб, ўрнига Қутайба ибн Муслим ал-Бохилийни Хуросон волийси этиб тайинлади. Қутайба Марвга келиб, Мухаллабнинг ҳамма ўғилларини ҳибсга олди ва Хажжож ҳузурига юборди.

Қутайба Мовароуннахр шаҳарларидан Охарунга юриш қилмоқчи бўлди. У Сурхондарё вилоятининг шимоли-шарқи ва Тожикистон Республикаси қарбидида жойлашган қадимий шаҳар саналади. Охарун унга қўшни Шумон (бугунги кундаги Душанбе шаҳри ўрнида жойлашган шаҳар давлат) ҳукмдори томонидан идора қилинар эди. Шунинг учун Қутайба

Шумонга юриш килмокчи бўлиб турганида, унинг олдида Шумон подшохи Гуштасбон келиб, сулх таклиф килди. Сулхга кўра, Шумон подшохи Кутайбага ўлпон тўлаши керак эди. Ўлпон тўланганидан сўнг Кутайба Марвга кайтиб кетди(Ал-Балазурий. Футух ал-булдон, Хуросоннинг фатх этилиши Сўзбоши, араб тилидан таржима. шархпар, изохпар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. - Тошкент: ООО 2017. - Б. 249.). Пойканд. Пойканд Бухоро вилоятининг Жондор ва Коракўл туманлари туташган худудда жойлашган қадимий шаҳар бўлиб, Кутайба 706 йили Пойкандга юриш килди. У билан бирга Бодгис ҳукмдори Низак Тархон ҳам бор эди. Пойкандликлар унга қарши чиқдилар ва Сугд ва Бухорога ёрдам сўраб, элчи жўнатдилар. Шаҳар аҳолиси бухороликлар ва сугдлар ёрдамида арабларга қаршилик кўрсатди. Кутайба Пойканд қалъасини 50 кун давомида қамал килди, кейин унинг девори тагидан лаҳм қазиб, ичига йўл очди. Шундан сўнг араблар ва шаҳар аҳолиси ўртасида шиддатли жанг бўлиб ўтди, унда араб қўшинларининг қучи устун келди.

Шаҳар аҳолисидан омон қолганлари қалъа ичига кириб жон сақладилар. Кутайба қалъа деворини ўққа тутмокчи бўлганда, пойкандликлар сулх тузишни сўрадилар. Кутайба улар билан сулх тузиб, шаҳарга Варко ибн Насрни амир этиб тайинлади. Ўзи эса Бухорога йўл олди. У Бухородан 4 фарсах узокликда жойлашган Хунбун кишлогига етганда, Пойканд аҳли кўзғолон кўтаргани ҳақида хабар келди. Кутайба Пойкандга кайтиб келиб, шаҳардаги урушга яроқли ҳамма одамларни қиличдан ўтказди, қолганларни эса асирга олди.

Кутайба Пойкандда қатта ўлжа қўлга киритди ва унинг 1/5 қисми (хумс)ни Хажжожга юборди, қолганини аскарларга бўлиб берди. У шаҳар ҳазинасида кўп қуролларни қўлга киритди. Ҳазинанинг бир хонасида у ҳисобсиз олтин ва қумуш идишлар топди. Араблар у ерда яна олтиндан ясалган қатта санам топдилар. Кутайба уни эритишни буюрди ва ундан 250 минг динор олтин чиқди.

Пойканд аҳолиси савдогарлар бўлиб, ўша вақтда уларнинг кўплари мол олиб келгани Хитойга кетган эдилар. Улар сафардан қайтиб келгандан кейин ўзларининг оила аъзоларини араблардан сотиб олдилар. Кейин улар Кутайбадан рухсат олиб, шаҳарни қайта қурдилар(Ал-Балазурий. Футух ал-булдон, Хуросоннинг фатх этилиши. Сўзбоши, араб тилидан таржима, шархдар, изохдар ва кўрсагкичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. - Тошкент: ООО 2017. - Б. 257.).

Бухоро. 707 йили Кутайба Нумушкат (Бухоро вилояти таркибига қирувчи шаҳар.) шаҳрига юриш килди. Шаҳар аҳолиси унинг олдида чиқиб, у билан сулх туздилар. Кейин у Ромитонга йўл олди ва улар билан ҳам сулх тузиб, орқага қайтди. Йўлда унга турклар, сугдлар ва фарғоналиклар ҳужум килди. Уларнинг лашкарбошиси Курмагонун ат-Туркий эди. Улар орасида шиддатли жанг бўлиб, унда Низак Тархон қатта жасорат кўрсатди ва туркларни мағлубиятга учратди. Кейин араблар Марвга қайтдилар.

709 йили Кутайба ибн Муслим Самаркандга юриш килди ва ёзни ўша ерда ўтказиб, шаҳарни сулх йўли билан фатх этди. Сулх тузилгандан кейин Самарканд ҳукмдори Тархун сулх шартини бажаргунча ўзининг бир неча яқин одамларини Кутайбага гаровга берди.

Низак Тархон исёни. Кутайбанинг Шумон, Пойканд ва Бухорога қилган юришларида Бодгис ҳукмдори Низак Тархон ҳам қатнашди. У асли турклардан бўлса-да, Кутайба билан Бодгисга юриш қилмаслик шартин билан сулх тузган эди. Бироқ арабларнинг, хусусан, Кутайба аскарларининг мағлубиятсиз юришларини кўриб, ваҳимага тушди ва Самарканд юришидан олдин ўзининг ерига кетишга рухсат сўраб, Тохаристонга кетди.

Низак Тархон 709 йили Кутайбага карши исён кўтарди. У Тохаристоннинг бошка хукмдорларига ҳам мактублар ёзиб, уларни арабларга карши бош кўта-ришга чакирди. Низак Кобул хукмдори Кобулшоҳга мактуб ёзиб, ундан ёрдам сўради ва ўзининг барча мол-мулки ва газнасини унга юборди. Кобулшоҳ уни қабул қилиб, ўз химояси остига олишга розилик берди.

Кутайба укаси Абдурахмонни 12 минг аскар билан Балх яқинидаги Барукон шахрига юборди. Киш ўтиши билан 710 йили Кутайба ибн Муслим Тохаристонга юриш бошлади. Низакнинг одамлари Тохаристонда Хулм тоғларидаги тор даранинг ичига, ўзи эса Бағлон шахридаги қалъага беркинган эди. Кутайба уни 2 ой камал қилди. Охири унинг олдига Сулайм ан-Носихни юборди, у эса Низакнинг дўсти бўлиб, уни таслим бўлишга кўндирди. Низак таслим бўлгандан кейин Кутайба уни Вахш Хашон номли булок ёнида ўлдирди. Шундан сўнг араблар дарада қолганларни ҳам ушлаб, қатл этдилар(Ал-Балазурий. Футух ал-булдон, Хуросоннинг фатх этилиши Сўзбоши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳдар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Қамолитдин. - Тошкент: ООУ 2017. - Б. 262.).

710 йили Шумон хукмдори Кутайбанинг амалдорларини ҳайдаб, сулҳда қелишилган жияни тўлашдан бош тортди. Кутайба қўшин билан Шумонга қелди ва унинг қалъасини ўққа тутиб, деворини тешди. Шумон хукмдори ҳамма бойликлари ва пулларини йигиб, қалъа ичидаги чуқур қудуққа ташлади. Кейин у арабларга қарши чиқиб, ҳалок бўлгунча жанг қилди. Кутайба Шумоннинг қалъасини қўлга олганидан кейин у Боб ал-Ҳадид (Темир дарвоза)га қелди. Илк ўрта асрларда Самарқанд шахрининг тўртта дарвозаси бўлиб, улар Бабу Кеш (Кеш дарвозаси), Бабу-Син (Хитой дарвозаси), Бабу Усрушона (Усрушона дарвозаси) ва Бабул-ҳадид (Темир дарвоза) деб номланган(Нодия Авис Ҳасонайн. Тарихи аскарий фи биладди Мовароуннахр ва Афғонистон. - Искандарийя: дорут-таълим ал-жомеий, 2019. - Б.52).

Кутайба темир дарвозадан Кеш ва Насафга юриш қилди ва уларни фатх этди. Кейин у Самарқандга бориб, Тархундан сулҳда қелишилган маблағни олди, сўнг гаровга олган одамларини унга қайтарди.

Хоразм. Бу вақтда Хоразмда сиёсий аҳвол яхши эмас эди. Ҳокимият хоразмшоҳ Чагон қўл остида бўлса-да, унинг бошқаруви заиф бўлганлиги учун унинг укаси Хурзод мамлакатда ҳоҳлаган ишини қилар эди. Хатто Чагон ҳам унга эътироз билдира олмас эди.

Хоразмшоҳузок вақт бунга чидаб юрди, сўнг Кутайба ибн Муслимга хат ёзди ва уни Хоразмга таклиф этди. У Кутайбага Хоразм шаҳарларининг 3 та олтин қалитини юборди ва укаси Хурзоддан ҳамда бошка душманлардан химоя қилишни сўради. Кутайба унга рози бўлди. Бу қелишув ҳақида хоразмшоҳхеч қимга оғиз очмади.

712 йили Кутайба Сугдга юришга чиққани ҳақида овоза тарқатди, лекин аслида у қўшини билан Хоразмга йўл олди. Хоразмшоҳ ҳам ўзининг одамларини тинчлантириб, уларга Кутайба Хоразмга қелмаслиги ва Сугдга кетганини таъқидлади. Улар бундан тинчланиб, ўзларини ҳавфсизликда эканлигига ишондилар ва ҳушёрликни йўқотдилар. Шу вақт Кутайба қўшини билан Ҳазораспга қелиб, Амударё ёқасида тўхтади. Хоразмшоҳ ҳам дарёнинг нариги қирғоғига қелиб, Фил(Фил - қадимги Хоразм пойтахти Қот шахрининг чеккасида жойлашган қалъанинг номи. У бир-бирини ўраб турувчи 3 та қалъадан иборат бўлиб, улар баландлиги бўйича фарқ қилган ва бир-бирининг устида жойлашган.) шахрида тўхтади.

Улар ўртасида бўлиб ўтган музоқаралар натижасида сулҳ тузилди. Унга қўра, хоразмшоҳ Кутайбага 10 минг бош қул, пул ва мол-мулк бериш, Кутайба эса хоразмшоҳга унинг

душмани бўлган Хамжирд хукмдориға карши ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олди. Кутайба шу захоти Хамжирдға укаси Абдурахмонни кўшин билан юборди. Абдурахмон Хамжирдға бориб, унинг хукмдори билан жанг килди ва уни ўлдириб, ерларини босиб олди. Кейин у ердан Кутайбанинг олдиға 4 минг асир билан кайтди. Кейин Кутайба хоразмшохнинг укаси Хурзод ва у билан бирға бўлган одамларнинг барчасини ушлаб, хоразмшохға топширди. Хоразмшох уларни катл этди, уларнинг мол-мулкларини эса мусодара килиб, Кутайбаға топширди. Кутайба Фил шахриға кириб, хоразмшохдан сулхда келишилган хамма нарсаларни қабул килиб олди ва уни бутун Хоразмға подшоҳ килиб колдирди. Шундан сўнг Кутайба Хазорасбға кайтди. Лекин Хоразм ахолиси Чагонни заиф хукмдор деб хисоблаб, унга карши исён кўтарди ва уни ўлдирди. Кейин Кутайба укаси Убайдуллох ибн Муслимни Хоразмға волий этиб тайинлади(Ал-Балазурий. Футух ал-булдон, Хуросоннинг фатх этилиши Сўзбоши, араб тилидан таржима, шархлар, изохлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. - Тошкент: ООО 2017. - Б. 37.). Сугд. Кутайба Хоразмдан кетганидан сўнг Самаркандға юриш килди. Самарканд Сугд вилоятининг маркази бўлиб, Сугд подшоҳлари шу шаҳарда турар эдилар. Шунинг учун Сугд ва Самарканд терминлари биргаликда қўлланилади.

711 йилда Самаркандда ҳокимият ўзгариши бўлди. Самарканд аслзодалари ихшид Тархунни араблар билан сулх тузгани учун тахтдан ағдариб, унинг ўрниға укаси Гурак (Уграк) ни тахтға ўтказдилар. Гурак Кутайба билан тузилган сулҳни бекор килди. Шунинг учун 712 йилда Кутайба Самаркандға юриш килди ва ўзини ихшид Тархун қони учун қасоскор деб эълон килди.

Сугдға дастлаб Абдурахмон ибн Муслим йигирма минглик аскар билан етиб келди. Тўрт ёки уч кундан сўнг Кутайба ҳам Хоразм ва Бухоро аскарларидан иборат кўшин билан Сугдға келди. Мусулмонлар Сугдни уч ой камал килиб турдилар. Бу орада бир нечта жанг ҳам бўлиб ўтди. Сугдликлар узок чўзилган камалдан хавсираб, Шош шоҳи ва Фаргона Ихшидига мактуб йўллаб, ёрдамға чақирдилар. Бирлашган кўшин тунда хужум килишға шайланди. Бирок Жосуслар Кутайбаға уларнинг режаси ҳақида хабар етказди. Кутайба олти юзта моҳир жангчиларни танлаб, Солих ибн Муслим бошчилигида жангға жўнатди. Солих кўшинни учға бўлиб, икки қисмини пистирмага қўйди. Мусулмонлар шу тарика мовароуннахрликларни хийла билан мағлуб этдилар.

Кутайба Хоразм ва Бухоро мулкдорлари билан маслаҳатлашиб, Сугд қалъасига манжаник билан хужум килишға ўтди. Сугд ҳокими Гурак Кутайбаға мактуб йўллаб: “Сен менға карши ўз қардошларим ва биродарларим билан бирға жанг қилмоқдасан. Мард бўлсанг, араблар билан жанг қил”, деди. Кутайба бу сўзлардан газабланиб, ақсарларни кўрикдан ўтказди ва Сугдға карши хужумни янада шиддатли тус олдирди. Нихоят, манжаник билан Сугд қалъасини тешишға муваффақ бўлди ва шу йўл билан Сугдға кириб келди. Сугдликлар таслим бўлиб, сулҳ сўрадилар. Кутайба ҳар йили икки миллион икки юз минг дирхам тўлаш ва шу йили ўттиз минг аскар бериш шарти билан сулҳ тузди. Шартға кўра, аскарлар гўдак, қария ва айбли бўлмаслиги керак эди. Шунингдек, сулхда Сугд шахрини Кутайбаға таслим қилиш, у ерда намоз ўқиш учун масжид қуриш ва хутба учун минбар тиклаш шартлари ҳам мавжуд эди. Кутайба намоз ўқиб, сўнг шаҳардан чиқиб кетишға ваъда берди. Сулҳға ҳар иккала томон рози бўлгач, Кутайба ўзи танлаб олган тўрт минг аскар билан Сугдға кириб келди ва масжидға кириб, намоз ўқиди ва одамларға хутба қилди.

Сўнг Кутайба Самаркандға Абдурахмон ибн Муслимни тайинлаб, ўзи Марвға жўнаб кетди(Ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. - Ар-Риёд: Байт ал-афқар ад-давлия,

2005.-Б. 1251-1254.). Тарихчи Ахмад ибн Яхё Балазурий (вафоти 892) маълумот беришича, Кутайба Самаркандда бир гурух мусулмонлар жамоасини колдирди. Улар орасида “ат-Тафсир” асарининг муаллифи Даххок ибн Музохим(Даххок ибн Музохим тафсир илмини яхши билган. XII асрда Самаркандда у курдирган бинолар ва масжид бўлган. У Балхдаги мадрасада болаларга тафсир илмидан таълим берган. Унинг мадрасасида 3 мингта гулом ва 700 та киз тахсил олган. Дарс вақтида у эшакга миниб, ўқувчиларни айланиб юрган. У “ат-Тафсир” китобининг муаллифи бўлган ва хадис ривоят қилган. У Балх яқинидаги Барукон шаҳрида 724 йил вафот этган ва ўша ерга дафн этилган.) ҳам бор эди.

Шош ва Фаргона. Хижрий 94 милодий 713 йили Кутайба Шош(Тошкент вилояти ҳудудига гўгри келувчи минтақа. Араблар келишидан олдин у Чоч деб аталган.)га юриш қилишга қарор қилди ва Бухоро, Кеш, Насаф ва Хоразм аҳолисидан унга 20 минг аскар беришни талаб қилди. Улар аскарларни берганидан сўнг Кутайба улар билан Сугддан ўтиб Шошга йўл олди. Кутайба уларни Шошда қолдириб, ўзи Фаргонага кетди ва Хўжанд аҳолиси билан бир неча марта жанг қилди. Уларни мағлубиятга учратиб, кейин Косонга борди. Бу ерга Шошда қолган кўшин ҳам етиб келди. Улар Шошни фатх этган эдилар. 714 йили Ирок волийси Хажжож ибн Юсуф вафот этди. Шундан сўнг Кутайба Марвга қайтиб келди.

Хажжож ўрнига Ирок волийси этиб тайинланган Язид ибн Абу Кабша Кутайба ибн Муслимга хат ёзиб, Фаргонага юриш қилишни буюрди. Кутайба кўшин билан яна йўлга чиқиб, Фаргонага етиб келди. Кутайба Бошак (^Б) исмли Фаргона подшохи турган қалъа ёнига келди. Қалъа ичида узок вақт жанг олиб бориш учун керак бўладиган ҳамма нарсаяйигилган эди. Кутайба ўша қалъани 7 ой давомида қамал қилди.

Фаргонадан кейин Кутайба ибн Муслим Хитойнинг энг чекка шаҳри Кошгарга йўл олди. У 12 та энг ақлли одамларини Хитой подшохининг ҳузурига элчи қилиб юбориб, “Мен уларнинг тупроғини оёқларим билан босмасдан, подшохларининг бўйнига муҳр босмасдан ва улардан ҳаёт олмасдан бу ердан кетмасликка қасам ичдим” деди. Хитой ҳукмдори Кутайбанинг сўзига оқиллик билан шундай жавоб қайтарди: “Биз уни ичган қасамидан ҳалос қиламиз, биз хўжайинингга бир сиким тупроқ юборамиз, уни боссин, биз унга аслзода ўғилларимизни юборамиз, уларнинг бўйнига муҳр боссин, биз унга ҳаёт ҳам юборамиз, хўжайининг у билан қаноатланади” - деди. Подшох олтин идишларда тупроқ, шахзодалардан 4 тасини ва совға-саломлар қелтиришни буюрди. Элчилар буларнинг ҳаммасини олиб, Кутайбанинг олдига қайтдилар. Кутайба тупроқни оёқлари билан босди ва шахзодаларнинг бўйнига муҳр босди ва ҳаётни қабул қилиб, орқага қайтди. Шундай қилиб Кутайба ибн Муслим бутун Мовароуннахр ва Тохаристонни фатх этди.

С.Умматалиевнинг

"Ислом тарихидан олтин саҳифалар" китобидан